



# ФАРҒОНА ҲАҚИҚАТИ

Гулнинг гўзаллиги уруғидан, инсоннинг ҳусни эса қалбидандир.

Жалолиддин РУМИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

<http://farhaqiqat.uz/>

[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

2021 йил 16 март, сешанба

№ 22 (24515)

## Вилоят ҳоқими қабулида

### БАА КОМПАНИЯСИ ФАРҒОНАГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТАДИ

Шу йилнинг 15 март куни вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Бирлашган Араб Амирликларининг "Pioneer Vision Group" холдинги бошқарув раиси ўринбосари Муҳаммад Ол Шарифини қабул қилди.



Кейинги йилларда Ўзбекистон ва БАА ўртасида дўстона, ўзаро ишончли муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда. Айни жараёнда мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ҳамда БАА компаниялари билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қўламини тобора кенгайтириб бораётгани қувонарлидир.

Самимий мулоқот жараёнида Муҳаммад Ол Шарифи Фарғона вилоятининг тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш сингари тармоқлардаги юқори салоҳияти, вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига ўрни ва инвестициявий жозибадорлиги ҳақида ижобий фикр билдирди.

Хайрулло Бозоров бугунги кунда Фарғона вилоятида янги барпо этилаётган замонавий шахарлар, аҳоли яшаш манзиллари қурилишида Бирлашган Араб Амирликларининг салоҳиятли тадбиркорлари билан яқин ҳамкорлик икки томонлама манфаатли бўлишини таъкидлади.

Ботир МАДИЁРОВ. Суратни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.



## СОХТА ЭКСПОРТ УЧУН СОЛИҚНИ

аслида экспорт қилмаган фермерлар тўлайдими ёки ҳужжатларни сохталаштирган турли идораларнинг «шоввоз»ларими?

Хабарингиз бор, газетамизнинг 2021 йил 9 февраль кунги сонидида "Қува тумани сектор раҳбарларидан қолган муаммоларни ким ҳал этади?!" сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди.

Мақолада ўнлаб фермерларнинг ойлари мобайнида сарсон саргардон бўлиб юришига асосий "айбдор" сифатида кўрсатилган Қува тумани ҳоқимлиги масъулари гўёки озғига талқон солиб олган.

Биргина мана шу жиҳатнинг ўзи ҳам туманда мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизомини таъминлашда раҳбарларда шахсий масъулият ва дахлдорлик туйғуси етишмаслигидан далолат беради.

Ваҳоланки, кейинги ойларида қувалик жабрда фермерлар аслида экспорт қилмаган "мева ва қўчатлар" учун юзлаб миллион сўм сохта солиқ тўловларини бер қилиш, масалани қонуний ҳал этишда ёрдам сўраб, Қува тумани ҳоқимлиги мутасаддилари ҳамда вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров тақдор ва тақдор мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Донишмандлардан бири қонунлар ўргинчак тўри сингари қучиқларни чирмаб олиш, қучилар бу тўри ҳеч бир қийинчиликсиз ёриб чиқиб кетишига хизмат қилувчи манба бўлиб қолмаслиги керак, деганида айни ҳаёт ҳақиқатини ифодалаган эди.

Аслида ҳаммаси оддий арифметик мисолдай кўриниб турибди. Қува тумани ҳоқимлиги 2019 йилги режани бажариш учун фермер хўжаликлари номидан (расмий ҳужжатларда, амалда эмас) гўёки катта миқдорда экспорт қилиниши "ташаббускори"

фойдалана олмайди. Яқинда вилоят божхона бошқармаси бошлиғи И. Азимов имзоси билан мақола юзасидан тахририятга расмий хат келди. Унда ёзилишича, божхона органларининг экспорт-импорт маълумотларига асосан, мақолада кўрсатилган фермер хўжаликлари томонидан

**2019 йилда жами 26 та партияда, 423,5 минг АҚШ долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** Қирғизистонга экспорт қилинган.

Келинг, мақола ҳажмини инобатга олиб, расмий хатда келтирилган кикит мисолга эътибор қаратамиз. Таъкидланишича, "Олчи" фермер хўжалиги томонидан

**6 та партияда 99,5 минг АҚШ долларлик 62 тонна узум, анор, ўрик, қовун, саримсоқпиез, олхўри** экспорт божхона режимига расмийлаштирилган. "Far Muxtasar dipuq" фермер хўжалиги томонидан эса

**1 та партияда қиймати 102 минг АҚШ долларлик 3,3 тонна атиргул кўчати**

экспортга чиқарилган. Ваҳоланки, бу икки фермер хўжалиги раҳбари боғи асосан анорзор эканлиги, 2019 йилда бирор сўмлик маҳсулот экспорт қилмаганини таъкидлашмоқда.

Мухбирларимиз мазкур фермер хўжаликлари раҳбарлари билан бир неча мартаба суҳбатлашди. Бу инсонлар тупроқ чангаллаб, ризқини топиб юрган чапани ҳамюртларимиз. Бировни алдаш, чув тушириб кетиш уларнинг қўлидан келмайди. Шунчаки ёлғонга чидай олмайпти, улар. Адолат қарор топиши керак! — тамом. Уларга бошқа нарса керак эмас.

Шу ўринда вилоят божхона бошқармаси масъуллари билан бир неча саволларимиз бор. Агар расмий хатда келтирилган ҳолатлар рост бўлса, аслида бу маҳсулотлар вилоят ҳудудидан қайси автомашиналарда олиб ўтилган, қайд дафтари борми? Хайдовчи ким, қарантин сертификати бормиди? Хўш, маҳсулотни фермер номидан ким хорижга олиб чиққан, расмий ҳужжатларда экспортёрнинг исми-фамилияси қайд этилганми? Бу ҳақда қайси божхона инспектори томонидан ва қандай рақам билан ҳужжатлар расмийлаштирилган ва ҳоқазо. Расмий жавоб хатини тайёрлашда шу каби жуда кўп саволлар жавобсиз қолган. Хуллас, бирон-бир аниқ саволга аниқ жавоб йўқ.

Мақсад фермер хўжаликлари муаммосини тезроқ ҳал этилишига қаратилиши керак. Бу муаммо тегишли масъул идоралар раҳбарлари учун ўзинга келган ғалвани бошқага бурвориш "санъати"ни кўз-кўз этувчи ким ўзар пойғасига айланб кетмаслиги зарур.

Хамкор фермерларнинг номидаги сохта экспорт, унга ҳисобланган солиқ тўловлари ортида турган «қудратли қўл» аслида кимники? Нега ҳозиргача ҳуқуқбузарлик расман қонун моддаларига кўра малакаланмайпти?

**Бу саволларга қачон жавоб бўлади? Бўладими ўзи?**

ТАХРИРИЯТ.

## БҮҲШ ТУРГАН БИНОЛАР КИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?



"Қалача" маҳалла фуқаролар йиғини Қувасой шаҳар марказидан 25-30 чақирим олисда.

Қишлоқда ишлаб чиқариш тармоғи йўқ. Ўтган асрнинг ўрталарида қурилган чорвачилик фермаси бир неча йилдирки, фаолият кўрсатмайди. НЕГА?

Майдони саккиз гектарли ҳайхотдек ҳудуд ҳувиллаб ётибди. Чорва боқилган қаровисизлик, эътиборсизлик оқибатида нураб бормоқда. — Шу фермада соғувчилик қилганман, — дейди Ёркиной Аҳмедова. — Беш юз бошдан ортиқ соғин сиғирларимиз бор эди. Ҳар кунни тонналаб маҳсулот ишлаб чиқарилган. Меҳнатимизга яраша даромад олиб рўзгор тебратганмиз. Ҳозирги аянчли манзарани кўриб ўртанаман. Тармоқ фаолияти йўлга қўйилса, кўплаб ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланарди.

Чорвачилик фермаси Қувасой шаҳридаги "Таъмирловчи" МЧЖ балансида. Аммо мулк эгалари ундан самарали фойдаланиш борасида бош қотирмаётти.

Мулк эгаси бу ерда фаолият кўрсатмаётгани учун таъсирчан солиқ механизмлари қўлланилиб, 125 миллион сўм солиқ жаримаси белгиланган эди, — дейди Қувасой шаҳар инвестиция ва ташқи савдо бўлими мутахассиси Шаҳбоз Ғанижонов. — Шундан сўнг мулкдорлар чорвачилик фаолиятини жонлантириш тараддуғига тушди. Аммо бошланган иш узоққа бормайди. Мана уч йилдирки, фермер фаолияти тўхтаб турибди.

Ўрнида жойлашган "Green world" МЖЧ ва "Ўзбегим агрофирмаси"га қарашли умумий ер майдони 5,31 га бино-иншоотлар бўш турган деб топилади. "Ўзбегим агрофирмаси"га нисбатан 2018 — 2019 йиллар давомида 10 қарра ортирилган солиқ механизми қўлланди. Унга кўра, 729,7 млн. сўм солиқ ҳисобланиб, 207,5 млн. сўм солиқ ундирилган. Аммо шу кунгача тўланмаган солиқ қарздорлиги 522,2 млн. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан таталовдан ўтказиш вақтида белгиланган муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, фойдаланилмаган ишлаб чиқариш майдонлари умумий майдонининг 50 фоизидан кўпроғида товарлар ишлаб чиқарилмаси, "бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари" сифатида эътироф этилиши белгиланган.

Таъсирчан солиқ механизмлари қўлланилди, — дейди Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Абдоржон Раҳмонов. — Бундан ташқари, 196 та бўш турган давлат мулк объектлари аниқланди. Шундан 165 та, умумий майдони 46362 кв.м бўлган давлат мулк объектлари давлат мулк объектлари аниқланди. Шундан 165 та давлат мулк объектлари кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ижарага берилиб, 200 та янги иш ўринлари яратилди. Айни кунда мулкчилик шаклидан қатъи назар бўш турган объектларни ишга тушириш, инвестиция киритиш орқали иш ўринлари яратиш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо натижалар қониқарли эмас.

Фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат ва хусусий мулк объектларидан фойдаланиш, янги саноат зоналари ташкил этиш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бугунги куннинг муҳим вазифаси. Афсуски, мулк эгалари, ташкилотчи мутасаддиларда ташаббус етишмаяпти. Хўш, бундай ҳолат қачонгача давом этаркин?

Расулжон КАМОЛОВ. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30 йиллиги олдида

“Водийни эслаганда, кўз ўнгимда сиз турасиз”

Президентимиз шу йил 4 февраль кун...



Ярим асрдирки, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб...

донларга саз тупрок ташиб, пол олиш усулида яхоб суви бериб...

Лолахон Муротова ер қизи, дала маликаси. У эсини танибдики, далага талпинади...

Муаммолар “маҳаллабай” ҳал этилмоқда

Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга маҳалладаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳалланинг “Уши нуқталари”ни аниқлаш бугунги куннинг муҳим вазифаси сифатида белгилаб берди.

“Маҳаллабай” иш ташкил этилган янги тизим аҳоли муаммоларини тўлақонли ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, имтиёзли кредитлар орқали бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш имкониятини бермоқда.

қўзда тутилган. — Жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш, бандлигини таъминлашда мулкка янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириб, хотин-қизлар бандлиги таъминланмоқда, — дейди 1-сектор котиби Эркинжон Орипов. — Шу кунга қадар 12 минг 258 та хонадонда ўтказилган хатлов натижасига кўра, жами 13751 нафар аёллар, 12012 нафар ёшлар истиқомат қилаётгани аниқланиб, улар билан бирма-бир мулоқот қилинди, эҳтиёжлари, қизиқишлари аниқланиб, анкета-сўровномалар тўлдирилди. Сектор ҳудудидagi МФЙнинг ҳар бирида тузилган “Аёллар маслаҳат кенгаши” ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг таклиф ва қизиқишларини рўйга чиқаришга, оилалар мустаҳкамлиги ва фарзанд тарбиясидаги ролини ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган маслаҳатлар беради, “Одобли қиз”, “Ифбатли келин” ва “Маърифатли аёл” гуяларини кенг тартиб этади. Тўққиз тоифадаги 583 нафар хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Улар бандлигини таъминлаш, касб-хунар ва ҳаётга руҳлантириш бўйича ўқитилади, томорқани даромад манбаига айлантириш, имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашилади, моддий ёрдам кўрсатилади, 11 нафар хотин-қизларга турар-жой ижара компенсацияси тўлаб берилди.

Аниқланган 823 нафар ишсиз ёшларнинг бандлиги ва ижтимоий ҳимояси таъминланди. “Ёшлар: 1+1” ҳамда “Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор” тамойили асосида ёшларни ўқув курсларида ўқитиш ва тадбиркорликка жалб этиш ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги уч йилда туманда узумчиликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Узумчиликдан иззат топганлар...

Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифалар доирасида туманда шу кунга қадар 3000 гектар узум плантациялари ташкил этилди. “Ғайрат”, “Янги араб”, “Бўрболик”, “Катпут” массивларининг қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларида кооперативлар фаолияти йўлга қўйилди, 10 та тик қудуқ қазилди, сув чиқарилди, иссиқхона ва боғлар ташкил этилди.

Истиқболли лойиҳалар

Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастури бўйича ўтган йили 42 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилда бу борадаги истиқболли лойиҳалар кўлами ошади.

“Новая волна” масъулияти чекланган жамияти ҳудудий инвестиция дастури доирасида ишга туширилган корхона. 11 млрд. сўм инвестиция жалб этилиб, мева-сабзавотларни қуритиш ва қадоклаш йўлга қўйилди. Ун нафардан ортиқ маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларининг асосий қисми экспортга жўнатилади.

— Жорий йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш йўналишларида 54 та лойиҳа амалга оширилади, — дейди туман инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи ўринбосари Холмурод Мирзақаримов. — Ташаббускорлар, тижорат банклари ва хорижий кредит линиялари ҳисобидан 43 млрд. 389 млн. сўм йўналтирилиб, 900 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

Янги лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида туманда 68 та саноат корхоналари томонидан 554 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари, 1 млн. 789 минг АҚШ долларлик импорт ўрнини босувчи буюмлар ишлаб чиқарилади.

109 ёшли дуоғўй момо

Табаррук ёшли момо мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги байрами кунларида Президентимиз Фармонига кўра, “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.



ОЛТИАРИҚЛИКЛАР ҲАР ТОНГНИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР БИЛАН ҚАРШИ ОЛАДИ

ОЛТИАРИҚ

Олтиариқликлар ҳар тонгни янги ташаббуслар билан қарши олади. 2021 йил охирига қадар яна 1650 гектар майдонда янги тоқзорлар барпо этилиб, 5000 та янги иш ўринлари яратилади, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси Умиджон Бозоров. — Ўтган йилнинг ўзида 30 минг тонна, умумий қиймати 25 миллион доллардан ортиқ маҳсулот Россия, Қозоғистон, Белорусь, Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинди. Бу тумандаги умумий экспорт кўрсаткичининг ўртача 30-35 фоизини ташкил этади. Айти пайтда қишмиш, майизбоп узум навлари экиляпти. Машҳур узумчилар Абдувоҳид Мирзажонов, Иброҳим Раҳимовлар эртагишар, серҳосил ва касалликларга чидамли навларни пайвандлаш

орқали экспортбоп маҳсулот етиштиришга ҳаракат қилмоқда. Хусанжон Ғофуров оиласи эса узумни тоқда кўклагача табиий ҳолда сақлаш бўйича катта тажрибага эга. Баҳор келган бўлса-да, меҳмонни тоқдан узум узиб сийлашади. Тадбиркор Адхамжон Абдурахмонов Олтиариқ узумлари экспорти географиясини янада кенгайтириш ҳаракатида юрган бўлса, Исажон Бойматов Ҳиндистондан олиб келган узум нави маҳаллий иқлим шароитига мослаштириш ниятида. Узум навлари тарқоқ ҳолда эмас, аксинча йирик плантацияларга навма-нав жойлаштирилиб экилаётгани ҳосилни бир жойнинг ўзида истаган навларини етиштириш, экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Тадбиркорлик фаолияти учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиб берилаётгани янги лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим қадам бўлмоқда.

Европага йўл

“Намза експо арт текстил” хусусий корхонаси ана шундай истиқболли лойиҳа ташаббускорларидан. Дастлаб ип-йигирув йўналишида ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона эндиликда тўқувчилик, тикувчилик тармоқларини ишга туширди. Ўтган йилнинг ўзида 27 млрд. сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Бир вақтнинг ўзида 200 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

— Айти кунда Польша ва Германияга табиий матолардан тайёрланган хўжалик сумкалари етказиб беришни бошладик, — дейди иш бошқарувчи Сардорбек Ғофуров. — Янги тикув цехи ишга туширилди, 80 та иш ўринлари яратилди. Ҳар ойда 30 минг дон шундай сумкалар Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Бундан ташқари, мато тўқиш ва буяш, чигитни қайта ишлаш йўналишлари йўлга қўйилди. Бунинг учун 54,3 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилади ва 2 млн. долларга тенг маблағ жалб этилиб, яна 250 та иш ўринлари яратилади.

Кичик саноат зонасидаги катта ишлар

Катпут массиви 2-участка ер майдонида 8 гектарда ташкил этилган “Янги Олтиариқ ёшлари” кичик саноат зонасига тамал тоши қўйилди. Бу ерда умумий қиймати 75 млрд. 780 млн. сўм бўлган 56 та янги лойиҳалар амалга оширилади.

Енгил саноат, озиқ-овқат, чарм пойабзал, мебель ва қоғоз, қурилиш материаллари, кимё ва электротехника йўналишларида ташкил этилаётган лойиҳалар натижасида 1168 нафар ёшлар учун иш ўринлари яратилади. — Қурилиш учун керакли бўлган пардоз буюмлари, лак бўёқлар ишлаб чиқариш борасида иш олиб бораёмиз, — дейди лойиҳа ташаббускори Мухторали Умаров. — Маҳсулотлар маҳаллий хомашёлардан тайёрланади. Бу ишга ака-укалар ҳамжиҳатликда қўл урдик. Кунлар исини билан иш излаб ўзга юртларга борардик. Энди бунга ҳоҳат қолмади, аксинча, маҳалламиздаги 5 нафар тенгқурларни ҳам ишга жалб этамиз.



ТУМАНДА тадбиркорларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш орқали улар фаолиятини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан

780 та лойиҳа доирасида

23 млрд.

948,7 млн. сўм

кредит маблағлари ажратиб берилди.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича янги 2 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Бу ерда умумий қиймати

140 млн. сўм

бўлган импорт ўрнини босувчи травертин, клеи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. “Фарғона балиқ саноати” агрофирмаси томонидан балиқ чавоғи, балиқ ва консервалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ.

Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

# “САДОИ СҶҲ” ГАЗЕТАСИ 70 ЁШДА

“Садои СҶҲ” газетаси СҶҲ туман ҳокимлигининг наشري бўлиб, 1951 йилдан буён чоп этиб келинмоқда. Газета “Ҳаёти колхоз”, кейинчалик “Ҳаёти нав” номи билан тожик тилида нашр қилина бошланган.



**Х**озирда газета туман аҳолисини нафақат янгиликлардан, сиёсий, ижтимоий, маданий-маънавий жараёнлардан бохабар қилибгина қолмай, ўзбек ва тожик халқларининг азалий қадриятларини, миллий урф-одат ва анъаналарини, миллатлар ўртасидаги мустақкам дўстлик ришталарини кенг тарғиб қилди, маънавий соҳасига катта эътибор қаратди, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мазмуни таҳририят ходимлари диққат марказида бўлди. Газета таҳририятининг кўздан кечирар экансиз, ана шу мақсадлар изчил рўёбога чиққанига гувоҳ бўласиз.

Газетага турли йилларда И. Исмаилов, Аюбжон Нишон, Уринбой Раҳимов, Гадейбой Назарқулов, Ғанижон Мўъминжонов каби журналистлар муҳаррирлик қилдилар.

Журналистика соҳасида катта таърибага эга, устозлари тарбиясини олган ёш ижодкор Масъуд Мирзоёв 1996-1997 йилларда газетага муҳаррирлик қилиб, таҳририятга малакали қаламашларни жамлади. Натيجанда газетанинг сифат ва мазмуни тубдан ўзгарди.

1997 йилдан буён Содиқжон Тоҳиров “Садои СҶҲ” газетасида бош муҳаррир сифатида ишлаб келимоқда.

Нодир Нодир, Олимжон Олимов имзоси билан тожик ва ўзбек тилларида мунтазам



чоп этилиб турган тахлилий мақолалар, жойлардан тайёрланган долзарб хабарлар, оренқлар мухлислар эътиборини тортиди. Бу таҳририят журналистлар қаторига кейинчалик Ахроржон Ҳамалов, Баҳридин Тожиқдодов, Раҳимберди Тошматов, Уктам Зиёдуллоев қўшилди.

Таҳририят моддий-техник базасини мустақкамлаш мақсадида компьютер жамланмалари, рақамли фотоаппарат, диктофон Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими кўмаги билан олинди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобига таҳририят тўлиқ замонавий техник воситалар билан таъминланди, ижтимоий тармоқда ўз веб-сайтини яратди.

70 йилдири, “Садои СҶҲ”

Самад Мелиев (исм-шарифи ўзгартирилган) “текин пишлоқ”ни қолқонга олиб, ўлжаларини бир эмас, бир неча марта чув туширди. Аввалига Раёно Тожибоевнинг “Агробанк” Олтиариқ филиали томонидан берилган пластик карточкаси махфий коддини билиб, бир миллион беш юз минг сўмни ўзининг “электрон чўнтаги”га туширди. Қилмишининг миси чиқмаганидан илҳомлиниб, худди шу йўл билан Шаҳноза Ҳуснованинг 927 минг сўмини киссасига урди.



## Огоҳ бўлинг, фирибгар!

одамлар кўп ва тез алданиб қолмоқдалар? Нима учун фирибгарлар кўпаймоқда? — Таҳлил натижаларини ўзингиз кўриб турибсиз. Икки ой ичида 86 та одамни ишга киритиб қўяман деб алдаган, — дейди Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Дониёр Тошхўжаев. — Одамлар енгил йўлни қидиришга, коррупцияга мойил. Бу 86 та

фирибгарлик жинояти молни ботил йўл билан ейишнинг бир кўриниши бўлиб, бундай йўл билан топилган мол дўзах отаётганининг бир бўлаги эканлиги айтилган: “Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил йўл билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини

бўшқармасига мурожаат қилгани натижасида пули тўлиқ қайтарилди. Фирибгар жазодан қутулиб қолмади. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, икки йил етти ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди.

2021 йилнинг икки ойи мобайнида Фарғона вилояти ҳудудидан содир этилган жиноятлар сони 2123 тани ташкил этган бўлса, уларнинг асосий қисми, яъни 50 фоиздан ортиги фирибгарлик ва ўғрилик жинояти билан боғлиқ. Юқорида келтирилган икки мисол ҳамир учидан патири, холос. Фирибгарлик жиноятларининг 86 таси ишга киритилди, 58 таси телефон, 55 таси машина олдир-сотдиси, 38 таси курилиш ва саноат моллари, 29 таси маънавий техникалар ҳамда 27 таси кўчмас мулк билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан фуқароларнинг муносабатга киришишлари давомида содир этилганликни аниқланган.

Жиноят субъектлари бўйича таҳлил қилингандан, муқаддам судланган шахслар томонидан 122 та, аёллар томонидан 67 та, ёшлар томонидан 155 та, гуруҳ бўлган ҳолда 42 та фирибгарлик иши содир этилган.

Ҳақли савол туғилади: нега

жиноий иш нафақат фирибгарлик, балки коррупция билан ҳам боғлиқ. Кейинги масала, биз жуда ишонувчан халқмиз. Кеча кўриб қолган одамимизни ҳам бугун ака ёки укадек кўраемиз. Бу айрим масалалар, мана шундай вазиятларда панд беради. Сал хушёрроқ, серграқроқ бўлишимиз керак. Ким нима деса чиппа ишониб, қўлга пул ёки молимизни тутқазиб қўверадиган замон эмас ҳозир.

Сўнги йилларда фирибгарлик жиноятининг умумий жиноятчиликдаги салмоғи ортиб бораётгани сабабли 2016 йил 26 декабрдаги қонун билан Жиноят кодексининг 168-моддасидаги жавабгарлик оғирлаштирилди. Шунингдек, Олий суд пленумининг фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги қарори янгиликдан ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Қонунни писанд этмаганлар узғоғи билан ўн йил озоликдан маҳрум этилар, ҳуқуқи чекланар, жаримга тортилар. Бу ҳаётда албатта қилмишига яраша жазосини олар. Аммо динимизда, Қуръони каримда келтирилган, у дунёни бу дунёсини кўйдириб юборишга гувоҳлик берувчи сура-у оятлардан хайқмасмилар? Хусусан, Бақара сураси 188-оятда

Севара АЛИЖОНОВА.

## Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов: СЎҲГА МАФТУН БЎЛДИМ

Ўзбек миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар Сўҳга таширди.

**Т**уман маданият саройида маънавий-маърифий учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз, жумладан, Сўҳ туманида рўй бераётган, Президентимизнинг халқпарвар сиёсатини амалга оширишдаги ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

— Мен довон ошиб, Сўҳга келар эканман, унинг бетакрор табиати, гўзал боғларию, шошқалоқ дарёларига мафтун бўлиб қолдим, — деди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. — Шу даврада ният қилайлик, мамлакатнинг етакчи театри жамоаси мана шу сахнада ўз асарларини намойиш этадиган кунлар келсин.

Санъаткорлар сўхликлар ҳузурда кўшиқ кўйладилар, бир неча сахна асарларидан парчалар ижро этилди, монологлар янгради.

— Очиғи, энг номдор санъаткорлар Сўҳга келиб, биз билан учрашадилар, деб ўйламаган эдим, — дейди меҳнат фахрийси Аваз Назарқулов. — Айниқса, “Шайтанат” видеофильми бош роли ижрочиси Ёдгор Саъдиев менда ёрқин хотира қолдириди.

Учрашув сўнгида атоқли актёрлар мухлислар билан эсдалик учун суратга тушдилар.



## Гўшт нархи озуқага боғлиқ



КЎВА ТУМАНИдаги “Қувончбек Зоҳиджон фермаси” МЧЖда янги технология асосида кунлик қуввати 5 тонна омухта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**О**зуқа тайёрлашда асосан иккиламчи хомашёлардан фойдаланилади. Буғдой ва макка донидан ташқари супурги уруғи, анор данаги, макка мардаги, сомон, ловияя пояси махсус технологик қурилмалар ёрдамида майдаланиб бойитилади.

Омухта ем тўйимли, таннархи арзонлиги учун қўйчиновлар эътиборини тортмоқда. Янги усулда ем тайёрлана, унинг бир килограмми 2500 сўмга тўғри келади. Битта қўйнинг бир кунлик озуқа сарфи 5000 сўмни ташкил қилиб, кунига 150 граммгача вазн олиш имкония-



## ҚЎЙ БОҚИШНИНГ КАМХАРЖ УСУЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

тири беради.

— Гўшт нархининг ошиб кетиши асосан озуқага боғлиқ, — дейди хўжалик раҳбари Зоҳиджон Ҳақимов. — Шу боис қўй боқишнинг камхарж, лекин фойдали усулидан фойдаланишни оммалаштиришга эътибор қаратаямиз. Айни кунда тармоқ фаолиятини кенгайтириш,

махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтириш борасида иш олиб бораёмиз. Бу янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли қорваси учун арзон, тўйимли озуқа етказиб бериш, уй шароитида ҳам бўрдоқни қўйлар боқишда қўл келади.

Матн ва суратлар муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

<p><b>ЭЪЛОНЛАР</b></p> <p>Фарғона политехника институтини 2018 йилда тамомлаган Оммонилло-жониев Оятулло Аҳаджон ўғли номига берилган В 1012141 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли</p> <p><b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b></p>	<p>Фарғона машинасозлик касб-хунар коллежини 2009 йилда тамомлаган Галиев Александр Михайлович номига берилган К 1358242 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли</p> <p><b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b></p>	<p>Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 45-уйда жойлашган “Muxammad Usmon taomlari” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалок мўҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли</p> <p><b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 64-уй, 23-хонадонда жойлашган “Prima avto” масъулияти чекланган жамияти номига берилган 617088, 617089, 0002566, 0074100 рақамли халқаро юк ташиш учун рухсатнома бланкалари йўқолганлиги сабабли</p> <p><b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b></p>	<p>Қува тумани 58-ўрта таълим мактабини 1999 йилда тамомлаган Умурақова Мархабоюн Хасанбоевна номига берилган АО 113679 рақамли дубликат шаходатнома йўқолганлиги сабабли</p> <p><b>БЕКОР ҚИЛИНАДИ.</b></p>
---	--	---	---	---

# ФАРҒОНА ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

жаннатмакон Ўзбекистонимиз, вилоятимиз аҳлини, барча  
ҳамшаҳарларимизни баҳор ва уйғониш байрами –

## Наврўзи олам билан

муборакбод этади.

Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кўрку зийнати бўлиб келаётган бу ажойиб, хосиятли байрам қалбларимизга чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.  
Гўзал ва мафтункор водийнинг ҳақиқий маркази ҳисобланмиш Фарғонамиз кейинги йилларда ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, мустақил Ватанимиз тараққиётига баракали ҳисса қўшмоқда. Ана шу меҳнаткаш, тadbirkor, шижоатли халқимизга байрам тантаналари яна қувонч, баланд руҳ ва фидойилик бахш этишига ишончимиз комил.



БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,  
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

## “HUDUDGAZ FARG‘ONA”

gaz ta'minoti filiali  
жамоаси

Жонажон юртимизда  
яна бир гўзал тантана –

## Наврўз байрамига

кўтаринки руҳда тайёргарлик  
кўрилмоқда.

Вилоятимиз газчилари ҳам улў байрам-  
ни муносиб меҳнат совғалари билан нишон-  
ламоқдалар.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда барчамиз  
ўзимизни ёшариб кетгандек, вужудимизга янги  
куч-ғайрат ва шижоат киргандек ҳис эта-  
миз. Ҳаётингиз баҳор тонгидек тиник,  
бахтли ва фаровон бўлсин!

## «Farg'onaazot»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

пахтакор, ғаллакор, сабзавоткор,  
полизчи ва боғбонларга  
мўл-кўлчилик омили  
бўлмиш минерал ўғитлар  
етказиб беришни  
кучайтирмоқда.

Миришкор деҳқон  
ва фермерларимиз  
катта орзу-ниятлар билан  
2021 йил экин-тикин  
ишларини бошламоқдалар.  
Уларнинг хирмонлари  
баракали бўлиши учун азалий ҳамкори  
ва мададкори бўлмиш кимёгарлар ҳам  
юксак масъулият билан  
меҳнат қилмоқдалар.



Гўзал юртимизда баҳор  
нафаси кезмоқда.

## Барчани Наврўз айёми

билан муборакбод этиб, ҳар бир юртдошимизга  
узоқ умр, мустаҳкам саломатлик,  
бахт-саодат ва омад тилаймиз.



## “ФАРҒОНА ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Наврўз ўзининг буюк қудрати ва таровати  
билан табиатни уйғотиб, юртимизга кўрк,  
гўзаллик бағишламоқда.

Ўзбекистонимизнинг барча аҳолисини, фарғоналик  
юртдошларимизни

## Наврўзи олам

билан чин юракдан табриклаймиз.

Байрам руҳи ҳар бир хонадонга нур,  
файз, барака ва фаровонлик олиб кел-  
син. Хурсандчилигимиз бахту саодатга,  
тўй-у тантаналарга уланиб кетсин.

Юртимиз, шаҳар  
ва қишлоқларимиз,  
корхона ва  
хонадонларимиз  
байрам нури  
билан чароғон  
бўлсин!



МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati»  
MChJ

Бош муҳаррир:  
Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб  
босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан  
олинди» деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди.  
2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида  
12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилган кўлёзма ва  
суратлар қайтарилмайди.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ  
босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал  
макетини асосида офсет усулида чоп этилди.  
Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон  
кўчаси, 236-«б» уй.

Босишга топириш  
вақти: 19.00.  
Топирилди: 19.00.

Буюртма: 177  
Индекс: 7521  
Алади: 11 048

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри,  
Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.  
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи Алишер Розиков.

ISSN 2010-0370

9 772010 037006